

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАЗИЕВА ФОТИМА ЭРГАСHEВНА

**ШАХС РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ КЛИНИК-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (АДДИКТИВ ХУЛҚЛИЛАР МИСОЛИДА)**

**19.00.04 – Тиббий ва махсус психология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по психологическим наукам**

**Content of dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on the Psychological Sciences**

Газиева Фотима Эргашевна

Шахс реабилитациясининг клиник-психологик хусусиятлари
(аддиктив хулқлилар мисолида)3

Газиева Фатима Эргашевна

Клинико-психологические особенности реабилитации личности
(на примере аддиктивного поведения)23

Gazieva Fatima Ergashevna

Clinical-psychological aspects of personality rehabilitation
(on the example of addicted people)43

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works47

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Dsc27.06.2017.Psi.01.07 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ГАЗИЕВА ФОТИМА ЭРГАШЕВНА

**ШАХС РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИНГ КЛИНИК-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ (АДДИКТИВ ХУЛҚЛИЛАР МИСОЛИДА)**

**19.00.04 – Тиббий ва махсус психология
(психология фанлари)**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1. PhD/ Psi5 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети психология кафедрасида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (psi-ik.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қодиров Ботир Раҳманкулович
психология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримова Василя Маманосировна
психология фанлари доктори, профессор

Шигакова Фания Анваровна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.26.06.Psi.01.07. рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети 5-қават, 511-аудитория)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, “В” қисм, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871) 246-52-74; факс: (+99871) 246-02-24)

Диссертация автореферат 2018 йил “___” _____ да тарқатилди.
(2018 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Ғ.Б.Шоумаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, психол.ф.д., профессор

А.И.Расулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, психол.ф.н., доцент

Н.С.Сафоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, психол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда “Аср вабоси” деб ном олган психоактив моддаларга мойиллик муаммосининг дунё аҳлига таҳдиди йилдан-йилга ортиб бормоқда. Халқаро Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти (21 сентябрь 2018 йил) берган статистик маълумотларга мувофиқ, бир йилда алкоголь ва психоактив моддаларга мойилликдан 3,3 миллион одамлар халок бўлиб, мазкур аддикция тури кўпгина қўшимча хасталикларни келиб чиқишига сабаб бўлар экан.¹ Психоактив моддаларга тобеликнинг нафақат тиббий муаммолар, балки оғир жиноятларнинг содир этилиши, оилалар ва миллат генофондининг бузилиши каби маънавий-ахлоқий, ҳуқуқий, социал, психологик муаммоларни вужудга келтириши унинг олдини олиш, даволаш ва бартараф этиш қанчалик долзарблигини белгилайди.

Жаҳон миқёсида аддикция тиббиёт психологиясининг долзарб муаммоларидан бир бўлиб, уни келтириб чиқарувчи ижтимоий-психологик омиллар, психоактив моддаларга мойил инсонларнинг мотивацион, эмоционал-иродавий, интеллектуал-мнестик жиҳатлари, кадриятлар тизими, аддиктив хулқли шахсларнинг тиббий-психологик, социал-психологик реабилитацияси, самарали психотерапевтик таъсир усулларини самарадорлигини таъминлаш масалалари тадқиқ этиб келинмоқда. Психоактив моддаларга мойил беморлар реабилитациясининг турли босқичларида кузатиладиган клиник-психологик хусусиятларини комплекс тадқиқ этиш, уларга мос дифференциал психотерапевтик таъсир воситаларини ишлаб чиқиш, реабилитация самарасини ошириш ва унинг муддатини қисқартириш, беморлар ремиссиясини узайтириш муаммоси долзарблигича қолмоқда.

Мамлакатимизда соғлом фикр, соғлом куч устувор бўлиши учун биз маънавий ҳаётимизни юксалтириш, аҳоли, аввало ёшларимизни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ҳам муҳим ислохотлардан биридир.² 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, мустақил фикрлайдиган, Ватанига содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарига эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш”³ вазибалари белгиланган. Бу эса ўсмир ва ўспирин ёшларнинг психоактив моддаларга мойиллик профилактикаси ва реабилитациясига оид илмий тадқиқотларнинг самарали амалга оширишни таъминлайди.

¹ http://www.who.int/substance_abuse/facts/en/

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 31 август куни “Ўзбекистон” анжуманлар саройида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 26 йиллиги муносабати билан байрам тантаналарида сўзлаган нутқи. <http://qalampir.uz/news/shavkat-mirziyoevning-mustaqillik-bayrami-tantanalaridagi-nutqi-11561>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-406-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 июндаги ПФ-4957-сонли “2015-2019 йилларда Марказий Осиё давлатлари учун БМТнинг Наркотик моддалар ва жиноят бошқармаси Дастурларини амалга ошириш доирасида тақдим этилаётган ускуналар, техника ва транспорт воситаларидан самарали фойдаланишни таъминлаш чора тадбирлари тўғрисидаги” Фармони, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 мартдаги ПК-2833-сонли “Ҳукукбузарликлар профилактикаси ва жамоатчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиш асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик давлатни ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон психологиясида аддиктив хулқни келтириб чиқарувчи экстернал ва интернал детерминантлар, аддиктив хулқ мотивларини енгиш, саломатлик установакаларини ҳосил қилиш муҳим аҳамият касб этган. Аддиктив хулқли шахслар реабилитациясида беморларнинг саломатлик, хасталик, хулқий муаммолар мотивацияларининг нейрпсихологик ва психофизиологик жиҳатларини рус тадқиқотчилари А.Р. Лурия ва Л.С. Цветковалар тадқиқ этган. Психик патологияда мотивацияларнинг ўзига хослигини Б.С. Братусь, Б.В.Зейгарник, В.В.Николаева, В.П.Критская, Т.К.Мелешко, Е.Т.Соколова, А.Б.Холмогорова каби олимлар ўрганганлар. Саломатликнинг мотивацион жиҳатлари, касалликнинг ички сурати ҳамда криминал мотивацияларга оид изланишлар Ю.М.Антонян, В.В.Гульдун, Л.И.Вассерман, О.Ю. Шелкова, Е.Г.Дозорцева, Ю.П.Зинченко, К.Г.Сурнов, А.Ш.Тхостов, А.Р.Лурия, В.В.Николаева, Ф.С.Сафуанов, Н.Д.Творогова сингари тадқиқотчилар томонидан олиб борилган. Психоактив моддаларга мойил кишиларнинг касалликни енгувчи хулқининг мотивацион жиҳатлари Н.А.Сирота, В.М.Ялтонский томонидан ўрганилган.⁴

⁴Лурия А.Р. Природа человеческих конфликтов. М.: - 2002, 527 с; Братусь Б.С. Аномалии личности. – М.: 1988, - 301 стр.; Зейгарник Б.В. Психология личности: норма и патология. М.: 2007, - 417 стр.; Критская В.П., Мелешко Т.К., Поляков Ю.Ф. Патология психической деятельности при шизофрении: мотивация, общение, познание. М.: 1991. 256 с.; Антонян Ю., Гульдун В., Кудрявцев В., Лунев В., Романов В. Криминальная мотивация. М.: 1986. – 302.; Вассерман Л.И., Шелкова О.Ю. Медицинская психодиагностика. М.: 2003. – С 70-117.; Дозорцева Е.Г. Психологическая травма у подростков с проблемами в поведении. Диагностика и коррекция. М.: 2007. 128 с.; Цветкова Л.С. Нейрпсихологическая реабилитация больных. Речь и интеллектуальная деятельность. М.: 2004. – 424 с.; Ялтонский В.М., Сирота Н.А. Мотивационная терапия // Наркология, № 4, 2003, С. 41-44; Николаева В.В., Соколова Е.Т. Особенности личности при

Хорижий мамлакатларда эса аддиктив хулқлиларнинг ўзгаришга бўлган мотивацияси ҳамда уларни психотерапияга жалб этиш муаммоси бир неча ўн йилликлар мобайнида психологлар томонидан ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, De Leon G., Melnick G., Hawke J., DiClemente C.C., Donovan D.M., Rosengren D.B., Greenfield S.H., Hiller M.L., Miller W.R., Rollnick S., Tonigan J.S., Norcross J.C., Simpson D.D., Joe G.W., Wild T.C, Cunningham J.A., Ryan R.M. каби тадқиқотчи-олимлар психоактив моддаларга мойил беморларнинг психотерапевтик самарадорлигини ошириш устида узок йиллардан бери ишлаб келмоқдалар.⁵

Мамлакатимизда эса аддиктив хулқ муаммоси фрагментар ўрганилган. Жумладан, А.Р.Вильданова ўсмирлик даврида аддиктив хулқ шаклланишининг психологик хусусиятларини (2005), Б.В.Новоселова эса мойилликнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари ва унинг профилактикаси муаммосини (2007) тадқиқ этганлар.⁶

Мазкур муаммонинг ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти юқориликка қарамай, уни ишланганлик даражаси қониқарли эмас. Тадқиқотлар назарий жиҳатдан етарлича асосланмаган, улар кам миқдорда ва фрагментар тарзда амалга оширилган. Ўзбекистонда аддиктив хулқли беморлар реабилитациясининг ўзига хослиги, босқичлари, эмоционал, иродавий, қадрият ва мотивацион соҳалари бўйича алоҳида изланишлар олиб борилмаганлиги тадқиқот ишимизнинг долзарблигини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “ITD-4-162 Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ижтимоий-психологик портретининг баҳолаш тизимини шакллантириш” (2009-2011) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аддиктив хулқли шахслар реабилитациясининг клиник-психологик хусусиятларини аниқлаш орқали психодиагностика,

пограничных расстройствах и соматических заболеваниях. М.: 1995, 40-78 с.; Сафуанов Ф.С. Психология криминальной агрессии: Монография. М.: 2003. – 200с.; Тхостов А.Ш., Грюнталь Н.А., Елшанский С.П., Белокрылов И.В. Дефицитарность внутреннего контроля у больных опийной наркоманией как фактор наркотизации // Ж.Вопросы наркологии. – 2001. - № 3. – С. 48-53

⁵ DeLeon G. The Therapeutic Community: Study of Effectiveness Treatment, Research Monograph 84-1286 (Rockville Maryland, National Institute on Drug Abuse, 1984; DiClemente R.J., Peterson J.L. (1994) AIDS: Theories and Methods of Behavior Interventions. New York: Plenum Press. 216 p.; Miller W.R. Motivation Enhancement Therapy: Description of Counseling Approach // Approaches to drug Abuse Counseling. NIDA. – Rockville, 2000. – p.p. 99-106; Rollnick S, Mason P., Putler C. Health Behavior Change – a Guide for practitioners Churchill Livington, 1993. – 225 p.; Prochaska J., DiClemente C., Norcross J. Insearh of how people change: Application to addictive behaviors // American psychologist. – 1992. – Vol 42, - p 1102-1114; Cunningham J.A. Remissions from drug dependence: is treatment a prerequisite? // Drug Alcohol Depend/ - 2000. Vol. 59. N 3.- p. 211-213.

⁶ Вильданова А.Р. Особенности самосознания, предопределяющие аддиктивное поведение [текст]: автореф. на соиск. учен. степ. канд. психол. наук (19.00.07) // Вильданова Адиля Рунисовна; НУУз имени М.Улугбека. – Ташкент – 2005. – 22 с.; Новоселова Б.В. Социально-психологические особенности предрасположенности к наркомании и ее профилактика [текст]: автореф. на соиск. учен. степ. канд. психол. наук (19.00.05) / Новоселова Бэлла Викторовна; НУУз имени М.Улугбека. – Ташкент – 2007. – 27 с.

психокоррекция ва психотерапия тадбирлари самарадорлигини ошириш ҳамда методик жиҳатдан такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

реабилитациянинг турли босқичларидаги психоактив моддаларга мойил беморларнинг эмоционал, когнитив-интеллектуал, иродавий соҳаси, мотивацион ва қадрият тизимини тадқиқ этиш ва қиёсий таққослаш;

психоактив моддаларга мойил беморларнинг ўзгариш мотивациясига таъсир этувчи умумий коррелятларни аниқлаш билан бирга турли реабилитация босқичларида ўзгариш мотивациясини мустаҳкамловчи коррелятларни ҳам аниқлаш;

наркология шифохонасини тарк этгандан сўнг реабилитант фойдали меҳнат фаолиятига қайтиши, касбий қайта тикланишига кўмак берувчи когнитив соҳаси коррекцион дастурини яратиш;

психоактив моддаларга мойил беморлар шахсига индивидуал ва дифференциал-тадрижий ёндашувни ўзида мужассамлаштирган психотерапевтик дастур ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

аддиктив хулқли беморлар рецидивини камайтирувчи ва ремиссиясини узайтирувчи тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Тошкент вилояти, Қибрай туманида жойлашган Республика наркология марказининг 120 нафар психоактив моддаларга мойил бўлган беморлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини аддиктив хулқли беморлар реабилитациясининг клиник-психологик хусусиятлари ва уларни диагностика, коррекция ва психотерапевтик имкониятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда кузатиш, суҳбат, психологик тест, анкета ва математик статистик методларидан фойдаланилган. Жумладан, муаммони эмпирик тадқиқ қилиш жараёнида аддиктив хулқли субъектларнинг реабилитация жараёнида когнитив соҳалари «Белгиларни қўйиб чиқ» методикаси; Р.Кэттеллнинг «Маданий унсурлардан ҳоли» интеллектуал тести (CFIT); эса олиб қолиш самарадорлиги ҳамда фикр юритиш хусусиятига оид «Пиктограмма» методикаси, психоактив моддаларга мойил беморларнинг эмоционал-ҳиссий соҳаларини К.Томаснинг эмоционал ностабилликни баҳолаш сўровномаси; К.Томаснинг низоларга мойилликни аниқлаш сўровномаси; Д.Рассел, Л.Пепло ва М.Фергюсонлар тақдим этган «Ёлғизлик шкаласи» методикаси, Люшернинг рангли тести, аддиктларнинг иродавий сифатларини баҳолаш мақсадида субъектив назорат даражасини ўлчовчи «СНД» методикаси, мотивация ва қадрият тизимини ўрганишда «URICA», Д.А.Леонтьевнинг «Ҳаёт моҳияти» методикаси, М.Рокичнинг «Қадриятлар тизими» методикаси, Т.В.Дембо ҳамда С.Я.Рубинштейннинг «Ўзини ўзи баҳолаш» шкаласи, «Тугалланмаган гаплар» методикалари, математик статистика методлари, яъни маълумотлар ишончлилиқ даражасини аниқлаш, микдорий кўрсаткичларни таҳлил қилишда (Студентнинг t – мезони, Хохберг мезони, Спирмен корреляция коэффициенти) қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

психоактив моддаларга мойил беморлар реабилитацияси ва коррекциясида уларнинг меҳнатга қайтиши самарадорлигини диққат концентрацияси, барқарорлиги ва хотира мнемотехникалари таъминлаши аниқланган;

реабилитациянинг турли босқичларида наркология шифохонаси беморларининг ўзгаришлар мотивацияси улар эмоционал соҳасининг барқарорлашувини, ёлғизлик ҳисси ва шахслараро муносабат низоларини пасайишини таъминловчи асосий омил эканлиги асосланган;

аддиктив хулқли беморлар реабилитациясида ўзгариш мотивациясини мустаҳкамловчи (реабилитациянинг бошида “интерналлик”, ўртасида “эмоционал ҳолат”, “ўзини ўзи баҳолаш”, “ҳаётдан қониққанлик” ҳамда якунида “саломатлик ва мувафакқиятсизликларга масъуллик”, “натижалардан қониққанлик”, “низоларга мойиллик”, “ўзининг ақлий имкониятларини юқори баҳолаш”) коррелятлари аниқланган;

психоактив моддаларга мойил беморларнинг самарали реабилитацияси, уларнинг шахсидаги ўзгаришлар коррекциясига мўлжалланган “Процессуал-ўзгарувчанлик” психотерапевтик дастури ишлаб чиқилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

наркотик моддаларга мойил беморларнинг когнитив, эмоционал, иродавий, мотивацион, кадрият тизимини ўрганишга доир психодиагностик методикалари тизимлаштирилган;

психоактив моддаларга мойил беморларга индивидуал ва дифференциал-тадрижий ёндашувни ўзида мужассамлаштирган “Процессуал-ўзгарувчанлик” психотерапевтик дастури илмий асосланган, амалиётда синовдан ўтказилиб, соғлиқни сақлаш тизимидаги наркология профилли муассасалари амалиётига татбиқ этилиши тавсия этилган;

турли реабилитация босқичидаги аддиктив хулқли беморлар учун ўзгариш мотивациясини мустаҳкамловчи хусусий коррелятларни инobatга олувчи, рецедивга қарши ва ремиссияни узайтирувчи стратегияларни ўзида жамлаган дифференциал тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончилиги. Тадқиқотда маълумотлар халқаро миқёсда ўзининг ишончли эканини тасдиқлаган диагностик воситалар орқали тўпланган; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг қўлланилгани; синалувчилар гуруҳининг етарлича репрезентативлиги; олинган эмпирик қийматлар математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги; хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда тўпланган натижаларининг илмий аҳамияти аддиктив хулқли шахслар реабилитациясининг кўпбосқичли, мураккаб, серқирра жараён эканлигини, психоактив моддаларга мойил беморлар психологик реабилитациясининг

турли босқичларида беморларнинг эмоционал-ҳиссий, когнитив-интеллектуал, продавий, қадрият ва мотивацион соҳалари ривожланиш динамикаси бир хил кечмаслигини, ўзгариш мотивациясининг умумий коррелятлари ҳамда реабилитация босқичига кўра ўзгариш мотивациясини мустаҳкамловчи хусусий коррелятлари, ўзгариш мотивацияси ички эволюцияси илмий-назарий психологик мазмун-моҳиятини очиб берилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқот давомида олинган назарий ва қўлга киритилган амалий натижалардан олий таълим муассасаларида консултатив психология, девиант хулқ психологияси, тиббиёт психологияси ва психокоррекция, социал-психологик тренинг фанларини илмий манбалар билан бойитишда ва амалиётчи психологлар малакасини оширишда хизмат қилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, муаллиф томонидан ишлаб чиқилган аддиктив хулқли беморлар комплекс психодиагностикаси, когнитив соҳа психокоррекцияси, психотерапиясига оид тренинг дастури ва тавсияларидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги наркологик профилли шифохоналарда тиббий-психологик, социал-психологик реабилитация мобайнида беморларнинг психологик ҳолатларини мониторинг ва терапевтик воситаси сифатида самарали фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалиётчи психологларнинг аддиктив хулқли беморлар реабилитацияси муаммосини янада чуқурроқ ва тизимли ўрганиш учун тадқиқот иши натижалари ва методик материаллари қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аддиктив хулқли беморлар реабилитациясининг клиник-психологик хусусиятлари тадқиқотида олинган натижалар асосида:

психоактив моддаларга мойил беморлар реабилитацияси ва коррекциясида уларнинг меҳнатга қайтиш самарадорлигини диққат концентрацияси, барқарорлиги, кенглиги, фаоллиги ва хотира мнемотехникалари таъминлаши аниқланганлига доир илмий янгилик Республика наркологик маркази ҳамда Тошкент шаҳар наркология мажбурий даволаш шифохонасида татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 22 майдаги 8н-3/146–сонли маълумотномаси). Натижада беморларда диққат ва хотира коррекцияси амалга оширилди ва психоактив моддаларга мойил беморларнинг меҳнатга қайтиш самарадорлиги таъминланган;

реабилитациянинг турли босқичларида наркология шифохонаси беморларининг ўзгаришлар мотивацияси улар эмоционал соҳасининг барқарорлашувини, ёлғизлик ҳисси ва шахслараро муносабат низоларини пасайишини таъминловчи асосий омил эканлигига доир илмий янгилик Республика наркологик маркази ҳамда Тошкент шаҳар наркология мажбурий даволаш шифохонасида татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 22 майдаги 8н-3/146–сонли маълумотномаси). Натижада аддиктив хулқли беморларнинг эмоционал стабиллиги ошди ва бу реабилитация самарадорлигига ижобий таъсир этган;

аддиктив хулқли беморлар реабилитациясида ўзгариш мотивациясини мустаҳкамловчи (реабилитациянинг бошида “интерналлик”, ўртасида “эмоционал ҳолат”, “ўзини ўзи баҳолаш”, “ҳаётдан қониққанлик” ҳамда якунида “саломатлик ва мувафакқиятсизликларга масъуллик”, “натижалардан қониққанлик”, “низоларга мойиллик”, “ўзининг ақлий имкониятларини юқори баҳолаш”) коррелятлари билан боғлиқ илмий янгилик Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университет, Тошкент давлат педагогика университети ва Ўзбекистон халқаро ислом академияларида ўқув жараёнида татбиқ қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 9 февралдаги 89-03-628 – сон маълумотномаси). Натижада талабалар аддикция, психоактив моддаларга мойиллик, реабилитация муаммоси, босқичлари, долзарблиги, тамойиллари; аддиктив хулқлилар психодиагностикаси, консультацияси, психотерапевтик интервенцияларига оид чуқур маълумотлар билан таъминланган;

психоактив моддаларга мойил беморлар реабилитациясини таъминлаш, уларнинг шахсидаги ўзгаришларни коррекциялашга мўлжалланган “Процессуал-ўзгарувчанлик” психотерапевтик дастури билан боғлиқ илмий янгилик Республика наркологик маркази ҳамда Тошкент шаҳар наркология мажбурий даволаш шифохонасида татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 22 майдаги 8н-3-146–сонли маълумотномаси). Натижада беморларда даволаниш муддатини камайтириш, оғирлик даражасини енгиллаштириш, ремиссия даврини узайтириш, беморларни меҳнатга қайтариш муддатларини қисқартиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни 4 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан 2 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола (улардан 1 таси хорижий нашрларда).

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалар иборат. Диссертациянинг ҳажми 146 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти аниқлаштирилган, илмий янгилиги баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

“Реабилитация ҳақида умумий тушунча” деб номланган биринчи бобда реабилитация таърифи, асослари, тарихи, моҳияти, вазифалари, босқичлари, тамойиллари, талаблари хусусида бўлиб, унда реабилитациянинг структураси, аҳамияти, мақсадлари чуқур талқин ва таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур бобда психологик мойиллик ҳосил қилувчи моддаларни суистеъмол қилувчи беморлар реабилитацияга доир турли концептуал ёндашувлар (Ф.Месмер, И.Бернгейм, Ж.Шарко, З.Фрейд, К.Юнг, А.Адлер, К.Хорни, Я.Л.Морено, К.Роджерс, Ф.С.Перлз, А.Бек, В.Франкл, Э.Бёрн ва бошқа мумтоз олимлар) моҳияти ва таҳлили ёритилган.

Бобнинг асосий мазмуни реабилитация дастурлари эволюцияси: алкоголизм ҳамда наркоманияга мойил беморларни реабилитация дастурларида хориж (Voisin, Ladame, Wetterstrand, Forel, Hamelton, Osgood, Neilson, Verillian) ва рус (Б.Н.Шани, А.Н.Успенский, Я.В.Рибалко, А.Л.Токарский, В.М.Бехтерев, А.Л.Певницкий, Ф.Е.Рибоков, В.И.Иванов, В.Е.Рожнов, И.В.Бокий, Л.Н.Лежепекова) олимларини суггетив ва гипнотик усуллардан фойдаланганликлари, аддикция муаммосининг шаклланиши ва терапиясига оид психоаналитик (Фрейд, Адлер, Фромм ва бошқалар), когнитив-бихевиорал (Бек, Вольпе, Эллис ва ҳоказолар), экзистенциал-гуманистик ёндашувлар (Ясперс, Хайдеггер, Бинсвангер, Ялом, Роджерс ва бошқа олимлар) нинг реабилитацион дастурларидан ўрин эгаллаши, яқин ўтмишда (90-йилларнинг охирига қадар) аддиктив хулқли беморлар реабилитациясида гуруҳий, рационал, эмоционал-стрессли, гипно-суггетив, шартли-рефлектор, аутоген тренировкаларнинг қўлланилганлиги; 2000 йиллардан сўнг реабилитация дастурларида комплекс усуллардан фойдаланиш, Day Top Village, Getway Hous, Phoenix Houselар каби машҳур реабилитацион дастурларнинг оммалашиши реабилитация жараёнига ёндашувни тубдан ўзгариши билан боғлиқ маълумотлар таҳлилини ўзида мужассамлаштиради.

Биринчи бобнинг охирида интрапсихик адаптация, “наркотикгача шахс” ёки “шахссиз инсон”, шахснинг дефицитарлиги, шахснинг адаптивловчи ресурслари, аномал шахс стереотиплари, социал деструктив тенденциялар каби мойиллик моделлари; классик гипноз, В.Е.Рожнов эмоционал-стрессли психотерапияси, М.Эриксон бўйича гипноз, А.Р.Довженко бўйича “кодлаштириш” ҳамда бихевиорал психотерапия, рационал психотерапиялар, ситуацион-психологик тренинглар, когнитив психотерапия, гештальт-терапия, экзистенциал анализ, оилавий психотерапиялар, гуруҳий психотерапия, эмоционал стрессли психотерапия, мотивацион психотерапия, ароматотерапия, стресс терапия, комплекс психотерапия, копинг-тренинглар, вазиятли психологик тренинглар кабиларнинг самарадорлиги хусусида мулоҳаза билдирилади.

“Аддиктив хулқлиларнинг когнитив-эмоционал, иродавий соҳасининг тадқиқоти” деб ном олган иккинчи бобда тадқиқот ўтказилган гуруҳлар тавсифи (1-жадвалда мазкур маълумотларни келтирамыз), психоактив моддаларга мойил беморларнинг когнитив-интеллектуал,

эмоционал, иродавий соҳасига оид тадқиқот натижалари келтирилган. Мазкур боб аддиктив хулқли беморларнинг психодиагностикасига бағишланган бўлиб, унда ўтказилган методикалар сифат ва миқдор таҳлиллари ўрин олган. Эмпирик тадқиқот аддиктив хулқли беморларни реабилитация босқичига кўра ажратиш, реабилитациянинг турли босқичидаги беморларни қиёсий таққослаш, ўзига хос хусусиятларини ажратиб олишга имконият беради.

1–жадвал.

Тадқиқот ўтказилган гуруҳлар тавсифи

	А гуруҳи (Тиббий реабилитация иштирокчилари)	Б гуруҳи (Психологик реабилитация иштирокчилари)
Мойиллик стажи	1-18 йил (x=7 йил)	1-25 йил (x=12 йил)
Синалувчилар ёши	20-56 ёш (x=34,1 ёш)	13-62 ёш (x=35,6 ёш)
Аёллар	6 киши (10 %)	14 киши (23 %)
Эркаклар	54 киши (90 %)	46 киши (77 %)
Алкогол беморлар	2 киши (3,5 %)	15 киши (25 %)
Наркоманлар	58 киши (96,5 %)	45 киши (75 %)
Оилали	37 киши (62 %)	32 киши (53 %)
Турмуш қурмаган	14 киши (23 %)	17 киши (28 %)
Ажримда	9 киши (15 %)	11 киши (19 %)

Гуруҳлар ўртасидаги асосий фарқ истеъмол стажи, мойиллик турида ҳамда жинсий тафовутларда кузатилди. Тиббий ва психологик реабилитация беморларининг тадқиқот методикалари ўртасидаги фарқлар Стьюдент мезонида аниқланди ва умумий корреляцион таҳлил амалга оширилди. Бироқ умумий корреляция реабилитациянинг турли босқичларини очиб бера олмайди. Шунинг учун реабилитация жараёнида беморларнинг ўзгариш мотивацияси даражаси (ёки реабилитация босқичи) га кўра, беморларни Мулоҳазаолди, Мулоҳаза ва Ҳаракат даври синалувчиларига ажратдик. Мазкур гуруҳлардаги тафовутлар Бонферрони ва Хохберг мезонлари асосида аниқланди.

Иккинчи бобда аддиктив хулқли беморларнинг когнитив соҳаси “Белгиларни қўйиб чиқ”, “Пиктограмма” методикалари ва CFIT интеллектуал тести методикалари бўйича олинган натижаларнинг сифат ва миқдорий таҳлили асосида ёритилади. Ҳар иккала гуруҳда “Белгиларни қўйиб чиқ” методикаси бўйича энг қуйи натижалар кузатилди, гуруҳлар учун ўртача кўрсаткич манфий натижаларни ташкил этди. Шунинг учун бу миқдорларни инобатга олмадик. Бундан эса тиббий-психологик реабилитация жараёнида социал реабилитацияга (меҳнат қилишга қайтиш, касбий қайта тикланиш) кўпроқ эътибор қаратиш зарурлигини исботлади. “Пиктограмма” методикасида ҳам натижалар нисбатан қуйи коэффицентларга эга, шунинг учун уларни тадқиқотимизда қўллашни маъқул топмадик. Шунингдек, наркологик марказ беморларининг когнитив-интеллектуал ривожланишига ҳам алоҳида урғу бериш мақсадга мувофиқ деган хулосага келдик.

Умумий ва хусусий корреляцион таҳлил аддиктив хулқли беморларда интеллектуал салоҳият ўзгариш мотивациясига таъсир этмаслигини кўрсатди. *Реабилитациянинг бошларида* (мулоҳазаолди даври

реципиентларида) интеллектуал салоҳият эмоционал ностабиллик, оилавий муносабатлардаги интерналлик ва ўзидан қониқмаслик индекслари билан шартланади. *Реабилитациянинг ўрталарида* (мулоҳаза даври синалувчиларида) интеллектуал салоҳият низоларга мойиллик билан тавсифланиб, ишлаб чиқариш муносабатларида интерналлик ва ўз характери (юқори) баҳосини белгилаб беради. *Реабилитациянинг якуний босқичларида* (ҳаракат даврида) интеллектуал салоҳият ёлғизлик ҳисси, ютуқлар ва ишлаб чиқариш борасидаги масъулият билан шартланиб, ўзидан қониққанлик, саломатлик ва бахтлилик даражасини юқорироқ баҳолашга сабаб бўлади. Хуллас, реабилитация мобайнида интеллектуал салоҳият бевосита ўзгариш мотивациясига таъсир этмаса-да, аммо беморларнинг ўзгариш потенциали ҳисобланувчи эмоционал соҳа, ўз шахсидан қониққанлик ва ўзини ўзи баҳолашига таъсир этади.

Аддиктив хулқли беморларнинг **эмоционал соҳасини** ўрганишда биз Люшернинг рангли тестидан, Томаснинг шахс эмоционал ҳолатларини ўрганувчи сўровномалари, Д.Рассел, Л.Пепло ва М.Фергюсонларнинг “Ёлғизлик шкаласи”дан фойдаланилган.

Люшернинг проектив рангли тести наркологиқ марказ беморларининг умумий эмоционал ҳолатида таъсирчанлик, фрустрация, атрофдаги кишилар талабларига кўнишни истамаслик, конфронтация, таъқиқ, чеклов ва “уриш” вазиятидан чарчаганлик, ўзларини ёлғиз ҳис этишлари намоён бўлди. Танқидни кўтара олмаслик сабабли иллюзияларга бериладилар, маълумки, психоактив моддалар мана шундай иллюзия тақдим этувчи воситалар сирасига киради. Уларда эмоционал ностабиллик, психологиқ ресурслар етишмаслиги яққол кўзга ташланади.

Реабилитациянинг бошланғич босқичларида эмоционал ностабиллик низоларга мойиллик, оилавий ва шахслараро муносабатлар борасида интерналликлар ва саломатлигини баҳолаш билан шартланади. *Реабилитациянинг ўрталарида* эса эмоционал ностабилликка ёлғизлик ҳисси, низоларга мойиллик таъсир этиб, умумий, оилавий ва шахслараро муносабатларда интерналликларни тақозо этади. Ҳаётдаги мақсадлар, ҳаётнинг қандай кечиши ва унда қўлга киритилган натижалардан мамнунлик ҳамда саломатлик ва ақлини баҳолаш ҳам эмоционал ностабилликка таъсир этади. Мазкур даврда эмоционал ностабиллик ўзгариш мотивациясига сабаб бўлади. *Реабилитациянинг сўнгги босқичларига* келиб эса эмоционал ностабиллик низоларга мойиллик, ўзгариш мотивацияси билан шартланади. Мувафқиятсизликлар, ишлаб чиқариш, саломатлик борасидаги интерналликлар эмоционал ностабилликка сабаб бўлади. Эмоционал ностабилликнинг стабиллашишига ҳаётдаги мақсадлар, унинг кечишидан ва қўлга киритган ютуқлардан қониққанлик, шунингдек, ақлини, характерини баҳолаш таъсир этади.

Психологиқ реабилитацияга эндигина жалб этилган беморларда низоларга мойиллик ёлғизлик ҳисси ва эмоционал ностабиллик билан шартланади. Ҳаётдаги мақсадлари, беморнинг ўзидан ва ҳаётдан қониқмаслиги низоларга мойилликка сабаб бўлади. Айнан ишлаб чиқариш ва

оилавий муносабатлардаги интерналликлар низоларга мойилликни тақозо этади. *Мулоҳаза даври синалувчиларида* ютуқлар, ишлаб чиқариш ва шахслараро муносабатлардаги интерналлик низоларга мойилликни белгилаб беради. Низоларга мойиллик эмоционал ностабиллик ва ўзгариш мотивацияси билан шартланади. Беморларнинг ўз характерини (юқори) баҳолаши низоларга мойилликка сабаб бўлади. *Реабилитациянинг охири босқичларида* эса низоларга мойиллик ёлғизлик ҳисси ва эмоционал ностабиллик билан шартланади. Шахслараро муносабатлар ва саломатлигига нисбатан интерналлик низоларга мойилликни тақозо этади. Айнан беморлардаги низоларга мойиллик ўзгариш интенциясини белгилаб беради.

Реабилитациянинг бошланғич босқичида ёлғизлик ҳисси низоларга мойиллик билан шартланади. Ютуқларга нисбатан ва ишлаб чиқариш муносабатларида интерналлик ёлғизлик ҳиссини тақозо этади. Ёлғизлик ҳиссига ҳаётдан қониқмаслик ва бахтлилик даражасини (қуйроқ) баҳолаш таъсир этади. *Реабилитациянинг ўрталарида* ёлғизлик ҳисси билан эмоционал ностабиллик ўртасида боғлиқлик мавжуд. Умумий, мувафақиятсизликлар, оилавий, шахслараро, саломатлик бобидаги интерналликлар юқори кўрсаткичга эга бўлса, ёлғизлик ҳисси қуйроқ коэффицентни ташкил этади. Ўзгариш мотивацияси айнан ёлғизлик ҳисси билан шартланади. Ҳаётдаги мақсадлар, ҳаётнинг кечиши, унда эришилган натижалар ва ҳаётдан қониққанлик ҳиссининг юқорилиги ёлғизлик ҳиссининг чекинишига сабаб бўлади. Ёлғизлик ҳисси беморларнинг ўз ақлий имкониятлари ва бахтлилик даражасини баҳолашга таъсир этади. *Реабилитациянинг сўнгги босқичларида* эса ёлғизлик ҳисси низоларга мойиллик билан шартланади. Ютуқлар, оилавий, ишлаб чиқариш, саломатлик борасида интерналликлар ёлғизлик ҳисси билан шартланади. Ўзидан қониққанлик, саломатлик ва бахтлилик даражасини юқори баҳолаш ёлғизлик ҳиссининг қуйроқ кўрсаткичига сабаб бўлади.

Наркологик шифохона беморларининг масъулиятлилик даражаси ёки интерналлигини тадқиқ этиш учун психологик ва тиббий реабилитация бўлими беморларида СНД бўйича ўртача кўрсаткичлари ўртасида катта фарқ кузатилмади. Фақат СНДнинг Ии кўрсаткичи бўйичагина иккала гуруҳда қуйи интерналлик даражаси кузатилди (А гуруҳида 5,68 стен, Б гуруҳида 5,72 стен), СНДнинг қолган шкаллари ўртача интерналлик даражаси мавжуддир. Бироқ СНД шкаллари бўйича Мулоҳазаолди даври ва Ҳаракат даври синалувчиларининг кўрсаткичлари аддиктив хулқли танланманинг ўртача арифметик қийматидан қуйроқдир. Мулоҳаза даври беморларигина ўртача арифметик қийматдан юқорироқ коэффицентларни қайд этганлар. Хуллас, интерналликлар динамикасига мувофиқ, реабилитациянинг бошида интерналликлар ўртача кўрсаткичдан биров қуйроқ, ўрталарида интерналликнинг энг юқори чўққисига етади, охирида эса энг қуйи натижаларни ташкил этади. Бундан эса интерналликлар ўзгариш мотивациясини ҳосил бўлиши ва мустаҳкамланишида муҳим аҳамиятга эгаллиги, аммо ўзгариш жараёнининг бошланиши ёки ҳаракат даврида унинг аҳамияти камайиб боришини исботлайди. Психоактив моддаларга мойил

беморларда энг қуйи интерналлик ишлаб чиқариш борасидаги интерналликда кузатилди, буни наркологик марказ беморларнинг бир қисми жумладан, тиббий реабилитантлар реабилитация мобайни (21 кундан 30 кунгача муддат) да стационар тарзда, шифохонани тарк этмаган ҳолда даволанишлари билан изоҳлаш мумкин. Психологик реабилитация иштирокчилари эса ундан узоқ муддатда (3 ойдан 6 ойгача, 8 ой - 1 йил ва ундан кўпроқ вақт давомида) реабилитацияда қатнашишлари ва шу сабабли меҳнат фаолияти билан шуғуллана олмасликлари билан тушунтириш мумкин.

Аддиктив хулқли беморларнинг продавий соҳасини ўрганиш натижасида қуйидагича хулосаларга келинди:

Реабилитациянинг бошида интерналликларга эмоционал ҳолатлар ва ҳаётдан қониққанлик даражаси таъсир этади. Реабилитациянинг ўрталарида интерналликларнинг барчаси ўзгариш мотивациясини тақозо этади ва улар эмоционал ҳолат ва ўзини ўзи баҳолаш даражаси билан шартланади. Реабилитациянинг охирида интерналликлар ҳаётдан қониққанлик даражаси ва ақлий имкониятларни баҳолаш индекси билан тавсифланади.

Реабилитациянинг бошида ўзгариш мотивациясига умумий, шахслараро ва саломатлик бобидаги интерналликлар таъсир этади. Реабилитациянинг ўрталарида эса умумий, ютуқлар, оилавий, ишлаб чиқариш, саломатлик бобидаги интерналликлар ўзгариш мотивациясини тақозо этади. Реабилитациянинг якунларида эса мувафакқиятсизликлар ва саломатлик борасидаги интерналликлар ўзгариш мотивациясига сабаб бўлади. Юқоридаги маълумотларни реабилитация жараёнида эътиборга олиш ва терапевтик дастурга ўз вақтида коррекциялар киритиш даволаниш самарасига таъсир этади.

Илмий ишिमизнинг навбатдаги учинчи боби **“Психоактив моддаларга мойил инсонларда қадрий-мотивацион тизимининг ўрганилиши”** деб номланиб, аддиктив хулқлиларнинг ниҳоятда муҳим саналган қадрият тизимини ўрганишда биз М.Рокичнинг “Қадриятлар тизими” методикаси, Д.А.Леонтьевнинг “Ҳаёт моҳияти” методикаси, ўзини ўзи баҳолаш шкаласи, URICA методикасини қўлладик.

М.Рокич методикасининг терминал қадриятлари бўйича қуйидагилар аниқланди:

1. Терминал қадриятлар ичида ҳар иккала гуруҳ учун энг муҳимлари Бахтли оилавий ҳаёт, Саломатлик ва Муҳаббат – энг яқин ижтимоий муҳитга, аффилиацияга, психик ҳамда жисмоний саломатликка эҳтиёж мавжуд. Психологик реабилитацияда иштирок этаётган Б гуруҳи аъзоларида етук мулоҳаза юритиш эҳтиёжи, индивидуализация ҳамда ҳаётнинг жўшқинлигига эҳтиёж кучли. Фақат тиббий реабилитация билан чекланган А гуруҳи вакилларида эса аддиктив ҳаёт тарзини қайта тиклаш эҳтимолини оширувчи, ўзига хос таҳдид туғдирувчи қадриятлар – Дўстлар ҳамда Моддий таъминланганлик етакчилик қилади.

2. Ҳар иккала гуруҳ учун ўртача аҳамиятга эга терминал қадриятларга Ривожланиш, Ўзига ишонч ва Жамиятда тан олиниш киради. А гуруҳи учун

Донишмандлик, Эркинлик, Махсулдор ҳаёт ўртача муҳимликни ташкил этади, Моддий таъминланганлик, Қизиқарли иш, Билишга интилиш Б гуруҳ аъзоларида етакчилик қилмоқда. Тиббий реабилитация вакилларида Махсулдор ҳаёт ўз имкониятлари, қобилияти, куч-қувватидан иложи борича самарали фойдаланишни назарда тутса, Б гуруҳидаги Билишга интилиш ўз дунёқарашини кенгайтириш, маълумоти, маданияти ҳамда интеллектуал салоҳиятини янада оширишни назарда тутди. Хуллас, А гуруҳида ўз ресурсларидан фойдаланиш (реабилитация жараёни), Б гуруҳи вакилларида янги моҳият ва ресурсларга эҳтиёж (неоабилитация жараёни) ўртача аҳамиятга эга.

3. Энг кам аҳамиятли терминал қадриятлар қаторига иккала гуруҳ вакиллари Ижодиёт, Табиат ва санъат гўзаллиги, Ўзгалар бахти, Вақтичоғликни киритдилар. Демак, касбига ижодий ёндашиш, нафис ҳис-туйғуларни кечириш, альтруистик тенденция, вақтини енгил машғулот билан ўтказиш қабиларнинг аҳамияти ўта қуйи кўрсаткични акс эттиради.

М.Рокич методикасининг инструментал қадриятлари бўйича қуйидагиларни аниқладик:

1. Инструментал қадриятларнинг ҳар иккала гуруҳ учун энг аҳамиятли ва умумийларига Кучли ирода, Ростгўйлик, Тарбиялилик киради. А гуруҳининг ўзига хослиги бу уларда Мустақиллик, Масъулият, Зийраклик қадриятлари бўлса, Б гуруҳи вакилларида Ўзини ўзи назорат қилиш, Сабрлилик, Ўқимишлилик энг аҳамиятли қадриятлар қаторидан ўрин эгаллаган. Тиббий реабилитантларда асосан шахслараро муносабатлардаги муомала қадриятлари, психологик реабилитация вакилларида эса ўзини назорат қилиш, қийинчиликларга бардош бериш ва ўз устида ишлаш, яъни ўзини камол топтириш қадриятлари етакчилик қилади.

2. Гуруҳларда ўртача аҳамиятли умумий инструментал қадриятларга Ижрочилик, Рационализм, Батартиблик, Ишда самарадорлик киради. А гуруҳининг ўзига хослиги бу уларда Сабрлилик ва Ўзини ўзи назорат қилиш қадриятлари бўлса, Б гуруҳи вакилларида Мустақиллик ва Масъулият ҳисси ўртача аҳамиятлилар қаторидан жой эгаллади.

